SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 17-IYUL ■ PAYSHANBA ■ 83 (27.103) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — МИЛЛАТ ҒУРУРИ, МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Катта ўзбек адабиётининг йўллари узра рангин руҳият қўнғироғи жаранглайди. Нодира, Увайсий, Зебунисо сингари шеъриятимиз маликалари битган олов сатрлар авлодлардан-авлодларга ўтиб келаверади. XX аср ўзбек шеъриятида садоқат, поклик, муҳаббат тимсолига айланган Зулфияхоним номи истиқлол туфайли ўзбек қизлари учун ибрат мактабига айланди. Унинг издошлари бўлган шеъриятимизнинг бугунги умидлари эса ҳар йили адабиёт, санъат, маданият, фан йўналишлари бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўладилар.

Муножот Абдуллаева, 1987 йили Хоразм вилояти, Шовот туманида туғилган. 21-ўрта мактабнинг 9-синфини битирди. Унинг шеъриятдаги илк қадамлари поэзия ихлосмандлари ҳайратига сабаб бўлди. 2001 йилда шоиранинг «Настарин», 2002 йилда «Марваридлар тўкаётган тонг» китоблари «Чўлпон», «Адабиёт» нашриётларида чоп этилди. Унинг «Меҳригиё — истиқлол» эртак драмаси Огаҳий номидаги мусиқали драма театрида саҳналаштирилди.

Муножот иқтидорининг яна бир қирраси таржимонликдир. У жаҳон шеъриятидан Сесия Дей Льюис (Англия), Уилям Батлер Йейст (Ирландия), Поль Элюар (Франция), Ян Кастро (Чехия), Камилла Сбарбаро (Италия) ва бошқаларнинг ижод намуналарини ўзбек тилига ўгирди.

Муножот адабиёт йўналиши бўйича 2003 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. Шоиранинг орзу-умидлари кўп. У ўз асарларини рус, инглиз ва бошқа тилларга таржима қилиб, бугунги ўзбек ёшларининг уйғоқ овозини жаҳонга олиб чиқиш умидида қалам тебратмоқда.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ТАРИХИЙ ВА ҒЎЗАЛ ШАҲАРЛАР

Ҳиндистонда чиқадиган «THE HINDU» газетаси ўзининг навбатдаги сонида санъатшунос Шаран Аппараонинг Ўзбекистон бўйлаб амалга оширган саёҳати давомида олган таассуротларини акс эттирувчи мақолани чоп этди.

Даставвал қалам соҳибаси ўзбек халқининг меҳмоннавозлиги ва бағрикенглигини таъкидлаб, «Бухоро ва Самарқанд машҳур Ипак йўлида жойлашган Ўзбекистоннинг тарихий ва гўзал шаҳарларидандир», — деб таърифлайди.

Деярли унутилган меъморий мерос ва обидаларнинг қайта бунёд этилиб, фойдаланишга топширилганини алоҳида таъкидлайди.

Мазкур шаҳарлар бўйлаб сайр қилар экан, муаллиф, гоҳ улардаги осори-атиқаларни мушоҳада этар, гоҳ давлатимиз тарихи саҳифаларини варақлаб, ўзининг шахсий фикрлари билан ўртоқлашади. Гарчи бу фикрларнинг баъзилари мозий воқеалари билан номутаносиб бўлса-да, лекин ўқувчини улардан баҳоли кудрат воқиф этиш ва уни Ўзбекистон билан яқиндан танитишга бўлган уриниш диққатга сазовордир.

Буюк бобомизни тилга олиб, «Ўзбек давлатчилигининг илк асосчиси Амир Темурнинг Самарқанддаги улуғвор ҳайкалини айланар экансиз, ўтмишга берилаётган катта эътибор — тарихнинг тикланаётгани ва ҳурмат қилинаётганининг гувоҳи бўласиз. Ўзбекистон халқи қалби очиқ ва меҳмондўст халқдир», деб ёзади Ш.Аппарао.

Б.ИРИСОВ,
«Жаҳон» АА

КУТУБХОНАЧИЛАР ЎҚУВИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонаси болалар кутубхоналарини ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашувчи хайрия жамғармаси ҳамкорлигида «Вилоят болалар кутубхоналари маълумот-ахборот библиография фаолиятининг аҳволи ва такомиллаштириш йўллари» мавзуида республика услубчилар семинар-кенгаши ўтказилди.

Унда Республика болалар кутубхонаси, Қорақалпоғистон республикаси ва вилоятлар болалар кутубхоналари директорлари ва услубчилари, Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ишлари вазирлиги, нашриётлар вакиллари, болалар ёзувчи ва шоирлари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашда болалар кутубхоналари олдида турган муаммоларни ечиш йўллари атрофлича таҳлил этилди.

Беҳзод ШУКУРОВ

Мутахассис маслаҳати

ҲОСИЛДОРЛИК СИФАТЛИ ПАРВАРИШГА БОҒЛИҚ

Ёзнинг айни шу қайноқ, жазирама кунларида даладаги, айниқса, ғўза пайкаллари бағридаги деҳқон меҳнатини бир тасаввур қилинг... Қолаверса, жорий йил пахтакор учун анча инжиқ келди. Апрель, май ойлари ва июннинг биринчи ярми об-ҳавоси хийла мураккаб бўлди...

Ҳозир республикамиз пахтазорларида аҳвол қалай? Айни шу кунларда ғўза қатор ораларига ишлов бериш, ўғит солиш, сув тараш ишларини қай тартибда ўтказмоқ маъқул? Ҳосил тугунчаларини тўлиқ асраб қолиш нималарга боғлиқ?.. Зараркунандаларга қарши қандай чора-тадбирларни қўллаш зарур?

Мухбиримиз ана шу саволлар билан республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази бўлим мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Ринат НАЗАРОВга мурожаат қилди.

— Бу йилги мураккаб об-ҳаво деҳқонларга кўп ташвиш келтирди.

Шароит оғир келишига қарамай аксарият пахта далаларида ғўза ниҳоллари бир текис ундириб олинди. Кўпчилик ширкат ва фермер хўжаликларида қатор ораларга вақтида ишлов берилиб, органик-минерал ўғитлар солиб бўлинди. Пайкаллар обитобида суғорилмоқда. Ҳосил тугунчаларининг пайдо бўлиш жараёни, асосий ўзак вегетация массасининг ўсиши, илдиз ёйиши тезлашди.

Аммо шу билан бирга, ёввойи ўт босиб кетган, ҳатто улар уруғлаш босқичига кирган ғўза майдонлари ҳам йўқ эмас. Деҳқонлар шуни унутмасликлари керакки, бегона ўтлар фавқулоддаги шарт-шароитга ўта мослашган бўлади. Улар ғўзага нисбатан сув-озуқа ресурсларини кўпроқ ҳазм қилади ва ўсимликни соядa қолдиради. Шунингдек, ҳозирги иссиқ кунларда у қишлоқ хўжалик зараркунандалари касалликларнинг турлари кўпайишининг манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳозир далалар бегона ўтлардан зудлик билан тозаланиши зарур.

Қатор ораларига сифатли ишлов берилса, ўсимликнинг илдиз тизими ва ўзи яхши авж олади. Бироқ бу муҳим агротехника тадбирлари ҳамма жойда ҳам юксак савияда амалга оширилаяпти, деб бўлмайди. Чунки, шундай хўжаликлар борки, уларда иш органларининг тўла йиғмаси таъминланмай, катта ҳимоя зонаси қолдирилиб ҳамда юза ишлов берилиб, бир неча бор культивация ўтказилган. Бундай далаларда ўсимлик илдиз тизими ривожланиши қийинлашади.

Ҳозирги пайтда чуқур культивация ўтказиш мумкин эмас. Чунки ўсимликларнинг илдиз тизими шикастланади. Ҳар бир аниқ ҳолатда мутахассислар, механизаторлар агроном маслаҳати билан культивация кенглиги ва чуқурлигини белгилаб олишлари ҳамда эртаги ҳосил кўпроқ тўпланиши учун уни сифатли бажаришлари лозим.

3-бет

Долзарб мавзу

«Биз ҳамма вақт кенг аҳоли қатламларининг ҳам мумтоз, ҳам замонавий миллий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳра олишига имкон бериб келган маданият сарчашмаларига авайлаб муносабатда бўлишни ўрганиб олишимиз лозим»

Ислом КАРИМОВ

МАЪНАВИЯТ ВА ЗАМОНАВИЙ ЭСТРАДА ҚЎШИҚЧИЛИГИ

Ҳар бир миллатнинг қалби унинг қадриятлари, рақслари, қўшиқларида ўз ифодасини топади. Ҳар бир авлод ўз халқи қўшиқларини авайлаб-асраб, ривожлантириб, бойитиб боради. Инсон энг бахтли, қувончли, энг ташвишли, қайғули онларини қўшиқ билан ифодалайди. Қўшиқларда миллатнинг орзу-умидлари, армонлари куйланади.

Тарих гувоҳ, миллатни енгмоқчи, тобе қилмоқчи бўлганлар унинг санъатига, қўшиқларига ҳам зуғум ўтказган. Яқин ўтмишда биз ҳам буни ўз бошимиздан кечирдик. Қўшиқларимизда миллий удумларимизни, халқимиз дардларини куйлаш осон эмасди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ миллий маданиятимиз, санъатимиз, хусусан қўшиқчилигимизни ривожлантириш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, фидойи санъаткорларни рағбатлантиришга катта эътибор бериб келинмоқда.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасини ташкил этиш, театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантириш, мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш, «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрамини, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш бўйича Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари эълон қилинди. Ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ниҳол» мукофоти таъсис этилди. Ҳар йили мамлакатимиз мустақиллиги байрами муносабати билан қўшиқ санъати намояндалари мунтазам равишда ҳукумат мукофотлари билан тақдирланиб бормоқда.

Бу эътироф ва қадрлаш санъаткорларимиз руҳини кўтармоқда, янгидан-янги истеъдодларни кашф этмоқда. Аммо қўшиқчилик санъати, жумладан, эстрада йўналишининг камчиликлари, муаммолари ҳам оз эмас.

Республика «Маънавият ва маърифат» марказида **«Маънавият ва замонавий эстрада қўшиқчилиги»** мавзуида ўтказилган очиқ мулоқотда қўшиқчилар, бастакорлар, шоирлар, журналистлар ва олимлар ушбу муаммоларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳаза юритдилар.

2-бет

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«МУСОДАРА МУАММОСИ»

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 24 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола босилган эди. Унда божхона тартиб-қоидаларини бузганликда айбланиб, шахсий автотранспорти мусодара этилган фуқароларнинг шикоятида баён этилган бир қатор масалалар кўтарилган эди.

«Мусодара муаммоси» деб номланган мақолада мулоҳаза юритилган муайян жиноят ишлари Олий судда назорат тартибида ўрганиб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддаси талабига кўра гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига қарашли бўлган жиноят қуроллари мусодара қилинади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 9.13-бандида автомобиллар, мотоцикллар ва бошқа транспорт воситалари маҳкумга тегишли бўлиб, ашёвий далил деб топилса ва улардан қасддан содир этилган жиноятда маҳкум ёки унинг шериклари қурол сифатида фойдаланган бўлса ЖПКнинг 211-моддасига мувофиқ мусодара этилиши лозимлиги кўрсатилган.

Мақолада тилга олинган ишлар бўйича судлар жиноят қуроли сифатида давлат эгалигига ўтказилган автомашиналарнинг аслида кимга тегишли эканлигини етарли даражада текширмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарларини олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонига қўшимча киритиш тўғрисидаги 2002 йил 6 ноябрдаги Фармонида 2002 йил 10 ноябрдан бошлаб божхона қонунчилигини бузган ҳолда кўп ва жуда кўп миқдордаги товарлар олиб ўтилган тақдирда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган товарлар ҳамда шундай мақсадларда фойдаланилган транспорт воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда давлат эгалигига ўтказилиши кўрсатилган.

Мақолада қайд этилган жиноятлар мазкур Фармон амалга киргунга қадар содир қилинган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддасига асосан қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади. Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас.

Мақолада қайд қилинган ишлар юзасидан чиқарилган суд ҳужжатлари Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2003 йил 1 июлда бекор қилинди. Д.Раҳимбабаевга оид жиноят иши янгидан судда кўриш учун, Л.Исмоиловга ва Х.Ақиловга оид жиноят ишларининг автомашиналарни давлат эгалигига ўтказиш қисми апелляция инстанциясида янгидан кўриш учун юборилди. А.Горбуновга нисбатан жиноят иши эса қўшимча тергов юритиш учун қайтарилди».

Олий суд матбуот хизмати

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ФИЛАНГИЗ БАНКИ

«Ғалла — 2003»

ПАХТАКОРНИНГ ХИРМОНИ

ЖИЗЗАХ. Пахтакор тумани ғаллакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга дон сотиш шартномасини уддаладилар. Қабул пунктларига 27 минг 555 тонна дон етказилиб, ҳар гектар ердан ўртача 52 центнердан ҳосил олинди.

Туманда ҳосилдорлик йил сайин ошиб бораётир. Бу қишлоқ хўжалиги тўлиқ фермерлаштирилгани боис, ғаллачилик билан шуғулланган 863 фермернинг етти юз нафари эллик центнерга етказиб, юздан зиёди эса 60-70 центнердан ҳосил кўтарди.

Абдуғани СОДИҚОВ

Ғалла ўрим-йиғими — масъулиятли палладир. Бу даврда барча соҳа мутахассислари ғаллакорга кўмакка ошиқади. Жиззах вилояти прокуратураси ходимлари ҳам долзарб дамларда миришкорларнинг энг яқин ҳамкорларига айланишган. Улар етиштирган мўл ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб олишда беминнат ёрдам бермоқдалар. Жойларда учрашув ва суҳбатлар ўтказишмоқда. Тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш давр талаби эканини тушунтириш, қонун устуворлигини таъминлашга эътибор қаратмоқдалар.

❖ ❖ ❖

Суратда: Фориш тумани прокурори Қурбонназар Бекмирзаев туман машина-трактор парки механизаторлари Ислом Йўлдошев ва Оролбой Бўлагановлар билан ғаллани нест-нобудсиз йиғиб олиш зарурлиги хусусида суҳбатлашмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
олган сурат



BUSINESS BANK
БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

Долзарб мавзу

МАЪНАВИЯТ ВА ЗАМОНАВИЙ ЭСТРАДА ҚЎШИҚЧИЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қуддус АЪЗАМОВ,
Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари:

— Бизнинг марказимиз жамоатчилик маркази ҳисобланади ва унда мунтазам равишда жамиятимизнинг маънавий-маърифий ҳаётига доир долзарб масалалар таҳлил қилинади. Чунки биз, ўз Низомимизга кўра, маънавиятимиз ва маърифатимиз, миллий қадриятларимиз учун масъул идора ҳисобланамиз.

Бугун биз сизларни «Маънавият ва замонавий эстрада қўшиқчилиги» мавзуида демократия тамойилларига асосланган ҳолда фикр алмашиш, бу борадаги муаммоларни очиқ-ошкор муҳокама қилиш учун таклиф этдик. Давра суҳбати учун айнан шу мавзунинг танлангани ҳам бежиз эмас ва бунга ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Маълумки, мустақиллик йилларида бевосита Президентимизнинг ташаббуслари ва раҳнамоликларида миллий эстрадамиз катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Халқимизнинг кўнгил мулкига айланган ўнлаб ажойиб куй ва қўшиқлар яратилди, янги хонандалар авлоди етишиб чиқди. Биз эстрада соҳасида эришган ютуқларимиз ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Бугун эса айни шу соҳадаги муаммоларга тўхталиб ўтсак. Сабаби — биз жойларда одамлар билан учрашганимизда, марказимизга келаётган хатларда, ватандошларимизнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларида бир қатор эстрада қўшиқларининг матни, мазмуни ва ижросига жиддий эътирозлар билдирилмоқда.

Ёрим, ёшинг ўн бешда,
Қилиғинг ҳам ўн бешта

каби ҳали балоғат ёшига етмаган, она сути оғзидан кетмаган қизалоқни «ёрим» деб қуйлаш сингари маънавиятимизга зид қўшиқлар қўплаб тингловчиларнинг кескин норозилигига сабаб бўлмоқда. Жамоатчилик биздан бундай бачкана, миллийлигимизга зид қўшиқларнинг олдини олишни, маънавиятимизни улардан ҳимоялашни талаб қилмоқда.

Бизга келаётган эътирозларнинг аксарият қисмида қўшиқлар матнининг савияси ўта пастлиги, улар сўз санъатидан йироқ бўлган ҳаваскорлар томонидан ёзилаётгани таъкидланмоқда. Хўш, элга тақдим этилаётган қўшиқлар матни қайси бадиий мезонлар асосида танлаб олинмоғи лозим? Эстрада қўшиғининг ижросига ким баҳо беради? Клипларнинг миллий маънавиятимиз тамойилларига қай даражада мос келишини назорат қиладиган жамоат уюшмалари — бадиий кенгашлар фаолияти қониқарлими? Қўшиқчилик ва амалдаги қонунлар, хонандаларга лицензия бериш масалаларида қандай муаммолар мавжуд? Келинглар, биргалашиб шу масалаларни муҳокама қилайлик.

Фаррух ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон халқ артисти:

— Ўзбек эстрадасида дунёга чиқиб улгурган, юксак чўққиларга эришган, тан олинган, жаҳон эстрадаси санъатига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган ажойиб намуналар яратилган. Чунки у кучли миллий заминда жаҳон замонавий эстрадаси анъаналарини давом эттирди.

Ҳозирги кунда эстрада халқ орасига кенг кириб борди. Эстрада хонандалари ҳам жуда кўпайди. Янги-янги қўшиқлар яратиляпти, куйланяпти. Улар орасида халқнинг дилига ўтирадиган, миллий мусиқий дидимизни ўстирадиган, одамларга маънавий завқ улашадиганлари жуда кўп.

Шу билан бирга эстрада қўшиқчилигининг етилиб қолган талай муаммолари ҳам пайдо бўлди. Булардан бири — савияси паст қўшиқларнинг кўпайиб бораётгани. Улар мухлислар маънавий оламини саёзлаштиради. Айримлар профессионал мусиқий салоҳият ва билимга эга бўлмай туриб, бу мураккаб ва масъулиятли соҳага ўзларини урягпти. Бунинг ҳосиласи ҳам яхши бўлаётгани йўқ. Тақлид кучайиб бораётганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Ижрочи маънавияти масаласини ҳам жиддий ўйлаб кўришимиз, муҳокама қилишимиз керак. Матнларнинг саёзлиги, юзакилиги, оддий шеърий талабларга ҳам жавоб беролмайдиган матнлар қўшиқ қилиб айтилаётгани шунчаки масалалар эмас.

Хонанда арзон-гаров шуҳратга берилмаслиги, тўй учун эмас, халқ учун, катта саҳна, юксак санъат учун айтиши, тинмай ўз устида ишлаши, жаҳондаги юксак ижрочилик маҳоратини тинимсиз ўрганиши, миллий хусусиятларимизни, миллий мусиқамизни дунёга олиб чиқишга ҳаракат қилиши лозим.

Низомиддин МАҲМУДОВ,
«Ўзтелерадиокомпания» раисининг биринчи ўринбосари:

— Қадимги хитой файласуфи Конфуцийнинг шундай бир гапи бор: «Дунёдаги ҳар қандай халқнинг айтаётган қўшиғини келтиринг, мен уни эшитиб, у халқни қандай идора этиш мумкинлигини айтиб бераман». Бу гапда улкан ва аёвсиз ҳақиқат ифодаланган. Буни қўшиқ айтувчи ҳам, қўшиқ яратувчи шоир ҳам, бастакор ҳам зинҳор ёдидан чиқаришга ҳаққи йўқ.

Чинакам расо қўшиқ дунёга келмоғи учун энг аввало, матн — шеър ҳал қилувчи аҳамиятга молик. Қўшиқ учун асос бўладиган сўзлар маъно, мантиқ ва руҳ жиҳатидан рост бўлмоғи, бир-бири билан комил уйғунлик касб этмоғи, мажбуриятсиз «қўлни қўлга бермоғи, қучоқлашмоғи» лозим. Ана шундай сўзларгина оҳанг ахтаради, фавқулодда монанд мусиқий оҳангни топа билади. Қолганини хонанданинг Худо берган ижро маҳорати ҳал қилади. Ўзбек қўшиқчилигида ана шундай яралган гўзал қўшиқлар жуда кўп.

Аммо қўшиқчиликда, айниқса, эстрада қўшиқчилигида айнан тил масаласи, матн танлаш масаласи анча оқсамоқда. Бу, табиийки, дидли шинавандаларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Мусиқа матни мукаммал бўлиши учун шоирнинг айтмаса бўлмайдиган тайинли гапи бўлиши керак, акс ҳолда, қуруқ қофиябозлик, сўзлар тизмаси юзага келади, холос. Бундай маҳсулот ҳар қандай маъқул куйни ҳам чиппакка чиқариши аниқ. Кўпинча хонанданинг ўзи ёзаётган «шеър»и унинг «қўшиғи»ни бир пул қилмоқда. На шеърий техника, на бадиият, на тайинли гап, на оддий сўз сезгиси, на ўзбек сўзига жиндаккина ҳурмат бор бундай «назм жавоҳирлари»да... Бунга мисоллар жуда кўп.

Аввал куй яратилиб, сўнг ўша куйга мослаб, туроқ санаб, айтиш мумкин бўлса, мантиқ тарозисида турмайдиган сўзларни қўйиб чиқиш бугун анча урфга кириб бормоқдаки, бу қўшиқ яратишдаги энг номақбул, зарарли йўлдир.

Қўшиқ матнида мантиқ таранг ва тиниқ бўлиши лозим.

Яна бир мантиқсизлик: шеър эркак тилидан ёзилган, у асосидаги қўшиқни аёл хонанда куйлайди ёки шеър аёл тилидан битилган, қўшиқни эркак киши айтади. Қизиқ...

Инсоннинг олий туйғуларидан бўлмиш муҳаббат тўғрисидаги қўшиқларнинг аксарияти бениҳоя ночор, бачкана, довдирнамо. Атоқли сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳор шундай деган экан: «Баъзи ашулаларда шоирнинг ёри бузуқ бўлади: ҳаммага ўпич беради-ю, шоирга ўпич бермайди. Шоир шундан нолийди».

Менинг назаримда, қўшиқчиликда тил, сўз санъати масаласи бирламчи ўринда туриши керак. Мусиқа мактабларида, консерваторияда тил ва адабиёт ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, ёшларда она сўз сезгиси ва севгисини мунтазам парваришлашга эътиборни кучайтириш лозим.

Минҳожиддин МИРЗО,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари:

— Ватан, истиқлол, ёшлик, дўстлик ва энг азиз инсоний туйғулар тараннум этилган қўшиқлар, айтиш мумкинки, халқимиз, ёшларимиз маънавияти ривожига, мустақилликни янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Афсуски, баъзи санъаткорлар куйлаётган қўшиқлар ҳақида мароқ билан гапириш қийин. Кечирасиз, ҳаваскорлар ҳақида ҳам шундай дейишга тўғри келяпти. Ҳаваскорлар ҳаваскорлигича қолиши, ўзини ўзи ривожлантириши, ўзини ўзи синаши, ўзини ўзи кўрсатиши, ўзини ўзи ўйнаши, ўзини ўзи ўйлаши, ўзини ўзи ўқитиши, ўзини ўзи ўрганиши, ўзини ўзи ўрнатиши, ўзини ўзи ўрнатиши, ўзини ўзи ўрнат

Мутахассис маслаҳати

ҲОСИЛДОРЛИК СИФАТЛИ ПАРВАРИШГА БОҒЛИҚ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ернинг нами мақбул даражага келмасдан, барвақт культивация ўтказишга асло йўл қўйилмаслик керак. Бу ҳолда тупроқ таркиби бузилиб, гувалаклар пайдо бўлади ҳамда фойдали унумдор қатламнинг бир қисми оборотдан чиқиб қолади. Оқибатда пахта ҳосилдорлиги пасайиб, хомашё сифатига путур етади.

Айни пайтда культивация қилишни кечиктирмаслик керак. Кечикса тупроқнинг унумдор қатлами қуриб қолиб, қаттиқ ва катта-катта кесаклар пайдо бўлади, улар ўсимликнинг илдиз системасини шикастлайди. Ҳосилдорлик 5-7 фоизга камаяди. Афсуски, бугунгача Андижон, Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент вилоятларида бу тадбир 5,5-6,5 марта ўтказилган бўлса, Сирдарё вилоятида ва Қорақалпоғистонда энди 3,5-4 марта ўтказилди, холос.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда энг масъулиятли кунлар бошланди. Ҳозир ғўзани чанқатиб қўймаслик керак. Айниқса оммавий тарзда ҳосил тугунчалари пайдо бўлаётган ва атроф-муҳит ҳарорати кескин даражада кўтарилган ҳозирги лаҳзаларда бунга йўл қўйиш мумкин эмас. Ана шундай даврда ерда нам етишмай қолса, ҳосил тугунчалари ёппасига тўкила бошлайди, ғўза ривожи секинлашади, ҳосилдорлик пасаяди. Шу билан бирга сув сарфини кўпайтириш ва узоқ суғориш йўли билан тупроқда нам кўпайиб кетишидан ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Қўллатиб суғорилганда тупроқ ҳарорати кескин камайиб, унумдор қатлам берч бўлиб қолади ва ўсимликнинг илдиз тизимига кислород кириши қийинлашади.

Жазирама пайтларда, айниқса қуруқ шамол эсганда суғориш маҳаллий ўғитлар билан яхши уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилса ўсимлик кутилган хавф-хатардан (ҳарорат кўтарилиб кетганда) омон қолади. Бундай шароитда тўлиқ суғоришга алоҳида эътибор бериш керак. Даланинг 30-35 фоизи июль ойида сувга доим қондириб турилсагина тупроқда нам камчил бўлмайди.

Бу йилги иқлим шароити қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг кўпгина турлари кўпайишига қулай имкон яратмоқда. Ўргимчаккананинг ёппасига пайдо бўлиши кутилаяпти. Баъзи пайкалларга кўсак қурти оралаб қолди. Бундай пайтда хўжаликлар ва фермерлар қишлоқ хўжалик зараркунандалари тарқаладиган манбаларни аниқлаш бўйича текширув гуруҳлари, профилактик ишлов бериш мақсадида «касаллик» ўчоқларига турли рангли байроқчалар қўйишлари зарур. Кўсак қурти тарқалган майдонларга яшил рангли, ўргимчаккана тарқалган майдонларга қизил, ҳашаротларга қарши ишлов берилган майдонларга эса оқ рангли махсус байроқчалар қўйилиши лозим. Бунда ферамон тутқичлар (ФТ) олдиндан тайёрланиб, назорат учун капалак учишларидан аввал 10 гектарга битта, капалаклар учиши бошланганидан сўнг 2-3 гектарга биттадан — ўсимликнинг ўсув нуқтасидан 20-25 сантиметр юқорида, шамол йўналиши бўйича ўрнатилади.

Ғўзада капалакларнинг тухумлари пайдо бўлиши билан 3 маротаба 5 кун оралатиб ҳар гектар майдонга 1 граммдан трихограмма қўйиб юборилади.

Ғўзада ўрта ва катта ёшдаги қуртлар пайдо бўла бошласа (100 ўсимликда 2-3) зудлик билан браконни 3 марта 5-7 кун оралатиб 1:20, 1:10, 1:5 нисбатда қўйиш керак.

Ғўза майдонларида ўргимчаккана, кўсак қурти ва бошқа зарарли ҳашаротлар бир вақтнинг ўзида кўп миқдорда тарқалган бўлса ёппасига таъсир этувчи дорилар (масалан, каратэ — 0,5 л/га, нурелл — Д 1,5 л/га, талстар 0,6 л/га, дельтафос 1,5 л/га) ва бошқалардан бирортасидан фойдаланиш керак. Уларни трактор пуркагичлари ёрдамида гектарига 200-300 литр аралашма сарфлаб ишлатиш зарур.

Таҳлиллар кўрсатишича, пахта далаларининг 20-30 фоизида ўсимлик ҳозир ривожланишдан бирмунча орқада қолган. Агар улар ҳам шу кунларда зудлик билан ривожланган ғўзалар қаторига қўшиб олинса, пахтакорлар меҳнати йил охирида самара бериши, шаксиз.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ҲАМКОРИНГ ИШОНЧЛИ БЎЛСА

«ПАХТА БАНК» ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ФАОЛИЯТИДАН ЛАВҲАЛАР

Бундан қарийб уч йил аввал «Китобдонмаҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамияти қошидаги «Қиёт» фермер хўжалиги бошлиғи Мустафо Шарипов билан бош ҳисобчи Рустам Азаматов яхши бир эзгу режани амалга оширишга киришишди. Уларнинг нияти арпани қайта ишлайдиган кичик корхона ташкил этиш эди. Маълумки, Қашқадарё вилоятида кўплаб арпа етиштириларди-ю, лекин уни қайта ишлаш масаласида муаммолар кўп эди. Шу боис етиштирилган арпанинг асосий қисмидан чорва молларига ем сифатида фойдаланиларди. Фермерлар ушбу режани амалга ошириш, лойиҳани маблағ билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси акциядорлик-тижорат «Пахта банк» Қашқадарё вилоят бошқармасининг Китоб туман бўлимига кириб келишди.

— Худога шукурки, банкдагилар бизни очиқ чеҳра билан кутиб олишди, — дейди Мустафо Шарипов. — Улар бизга ишни қулай ва арзон тарзда бошлаш йўлларини ўргатишди. Ниҳоят Германия Федератив Республикасининг «NAGEMA» **Handels desellshatt mbh** фирмаси орқали арпани қайта ишловчи кичик заводни сотиб олдик. Банк эса ушбу лойиҳага Германиянинг КФВ банки кредит линияси орқали узоқ муддатли 517355 дойч марка миқдорида йиллик 12 фоиз тўлов шарти билан кредит расмийлаштирди. Шу тариқа хўжалигимизнинг чет эл валютасида ҳисоб рақами очилди...

— Шартнома шартлари қандай бажариляпти? Заводнинг ишлаб чиқариш қуввати...

— Ҳозирча ишларимиз ёмонмас, — дейди бош ҳисобчи Рустам Азаматов. — «Қиёт» фермер хўжалиги ва **«NAGEMA»** фирмаси ўртасида тузилган шартномага кўра, завод 2000 йил 28 август куни қабул қилиб олинди. Ўша куни тегишли ҳужжатлар ҳам имзоланди. 1 сентябрь куни эса завод ишга тушди. Қуввати қисқа муддатда лойиҳадаги даражага чиқди: соатига 1 тонна арпа қайта ишланмоқда. Ўтган 3 йил ичида хўжалик 4370,5 тонна арпани қайта ишлаб, ёрма ишлаб чиқарди. Тайёр маҳсулотнинг харидори кўпайиб, тезда сотилиб ҳам кетди... Айни кунларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш йўлида янги-янги режалар қилдик. «Пахта банк» доим мададкор.

Вилоят «Пахта банк» бошқармаси фаолиятида бундай мисоллар кўп. Масалан, 2003 йилнинг ўзида банкнинг Яккабоғ туман бўлими Мақсуда Бердиева раҳбарлигидаги «Адиба» фермер хўжалигига 8 миллион сўм кредит ажратилди. Фермерлар ғўшт маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйишди. 12 та янги иш ўринлари яратилди. Ғўшт ишлаб чиқариш кўпайди. 1 миллион 830 минг сўм даромад олинди.



Банкнинг Шаҳрисабз туман бўлими мижози «Гранит» хусусий корхонаси 3 миллион сўм кредит олиб, мармарни қайта ишлаш асбоб-ускуналари харид қилганди. Пировардида, мармар ишлаб чиқариш ҳажми ўсди, сифат яхшиланди. 15 та янги иш ўринлари вужудга келди. Қисқа вақт ичида 2 миллион сўмликдан ошиқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Банкнинг Китоб тумани бўлими ўз мижози — «Тўмарис» фирмасига жамғарма маблағлари ҳисобидан тикувчилик асбоб-ускуналари сотиб олиши учун 10 миллион сўм кредит берганди. Раҳмон Самиев бошлиқ бу фирмада бугунгача 10 та янги ишчи ўрни очилиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот 1 миллион 200 минг сўмликдан ошди.

Бўлим яна бир мижози — «Ипак йўли» кичик корхонасига помидорни қайта ишлаб, томат тайёрлаш учун 50 миллион сўм кредит бериб турди. Натижа ёмон бўлмади. Ҳозиргача бу ерда 1 миллион 200 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

«Пахта банк»нинг Косон туман бўлими ходимлари фаолиятидан ҳам шундай ибратли лавҳалар келтириш мумкин. «Дельфин» савдо корхонасига берилган 50 миллион сўмга жамоа зарур ускуналар сотиб олиб, айни пайтда лойиҳа бўйича бошланган ишлар жадал кетаяпти.

2003 йилнинг ўтган беш ойи давомида АТ «Пахта банк» Қашқадарё вилоят бошқармаси Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан пахта ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналарини 2003 йилги шу тур хомашё учун тузилган контрактация шартномалари ижросига алоҳида эътибор бермоқда. Чунончи, бўнаклаш учун жами 14221 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, шундан пахта хомашёси учун 11059 миллион сўм ва ғалла ҳосили учун эса 3162 миллион сўм маблағ ажратилди. Вилоятнинг туманлардаги бўлимлари 620,0 миллион сўм миқдорида депозит сертификатларини корхона ва ташкилотлар ҳисобига жойлаштирди. Бўлимлар қошида мини банклар кўпайди. Ҳозир вилоятда 46 та мини банк ташкил этилган бўлиб, одамларнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра имтиёзли кредитлаш жамғармаси (2003 йил 1 май ҳолатига) 422,6 миллион сўм бўлди ва у тўлиқлигича кичик ва ўрта бизнес субъектлари ишлаб чиқаришига йўналтирилди. Умуман олганда бугун банк бўлимлари томонидан 3810 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига хизмат кўрсатилмоқда. Икки томоннинг манфаатларидан келиб чиқиб тузилган мазкур шартномалар ижроси доимий назоратда — аниқ мониторинг ўрнатилган.



Яна бир рақам: бошқарма томонидан 2003 йил 1 май ҳолатига кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредит қўйилмаси 3533,1 миллион сўм бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1700 миллион сўмга кўп. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, ушбу сана ҳолатига кўра кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган 3533,1 миллион сўмлик кредит қўйилмасининг 894,8 миллион сўми бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидандир. Бунинг 133,1 миллион сўми «Бизнес Фонд», 739,8 миллион сўми бандлик жамғармаси, 21,9 миллион сўми деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бўлди. Шунингдек, банкнинг ўзи ҳам ўз маблағи ҳисобидан 2638,3 миллион сўм ажратилди. Бошқача айтганда, банк бўлимлари бўйича бюджетдан ташқари ва банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилган кредитлар ҳисобига 5280 та янги иш ўринлари яратилди.

АТ «Пахта банк» вилоят бошқармаси томонидан қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширилишини тўла таъминлаш борасида ҳам бир қатор ижобий ишлар олиб борилаяпти.

«Пахта банк» Қашқадарё вилоят бошқармаси жамоаси айни кунларда эса ғалла ўрими иштирокчиларига мададкор бўлиб, ғўза парваришида деҳқонларга ҳам кўмакдош бўлмоқдалар.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

❖❖❖

Суратларда: *«Пахта банк» Қашқадарё вилояти бошқармасининг Қамаши ва Чироқчи туман бўлимлари фаолиятидан лавҳалар.*

Абдурасул ПАРДАЕВ олган суратлар

Ҳамкорлик кўприклари

ДЎСТЛИК ЭЛЧИСИ

ХАЛҚЛАРНИ БИР-БИРИГА АДАБИЁТ, САНЪАТ, МАДАНИЯТ ЯҚИНЛАШТИРАДИ. БУ ЙЎЛДА ФАОЛЛИК КЎРСАТАЁТГАНЛАР ЭСА ҲАМИША АРДОҚЛАНАДИ

2002 йилнинг 12 сентябрида Ўзбекистон ва Жанубий Корея Ёзувчилар уюшмалари ўртасида маърифий шартнома имзоланди, иккала мамлакат вакиллари адабий алоқаларни янада ривожлантириш ва ҳар иккала адабиёт намуналарини таржима қилиш тўғрисида келишиб олдилар. Ушбу хайрли келишувни Жанубий Корея томонидан «Адабиёт олами» номли нашр бошлиғи Ким Чўн Ву ҳамда Жаҳон адабиётчилар ассоциацияси аъзоси, «Шеърият дунёси» журнали ноширларидан бири Ким Хён Чжо, Ўзбекистон томонидан «Шарқ юлдузи» журнали муҳаррири Омон Мухтор ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси корейс адабиёти кенгашининг раиси Борис Паклар имзоладилар. Кўп вақт ўтмай бу ҳамкорлик ўз маҳсулини бера бошлади: Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло, шоиримиз Омон Мухтор, ўзбекистонлик корейс шоирлари Борис Пак, Марта Кимларнинг шеърий туркумлари «Шеърият дунёси» журналида корейс тилида босилиб чиқди. Корейс шоирлари Ким Хён Чжо ва Хван Мун Квонларнинг шеърий туркумлари ўзбек тилида эълон қилинди. Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеясида Марказий Осиё, Европа ва Шарқ аёлларининг ижодий бўлими ҳам фаолият олиб бормоқда. Бу бўлим раҳбари профессор Александра Ким мана шундай хайрли ишларга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Кўпгина ижодий ташкилотларнинг мададларига таянган Александра Ким (суратда) ҳозирги даврнинг энг муҳим мавзуларида бир қатор халқаро форумлар ва учрашувлар ўтказди. Чунончи, у 2001 йилда «Марказий Осиё хотин-қизлари тинчлик учун, халқаро терроризмга қарши курашда» мавзуида аёлларнинг халқаро давра суҳбати Тошкентда ўтказилишида ташкилотчилик қилди. Анжуман «Марказий Осиё аёлларининг жаҳон хотин-қизларига мурожаатномаси»ни қабул қилиб, жаҳондаги барча аёлларни халқаро терроризмга қарши қатъий курашга чақирди.

Ассамблеянинг хотин-қизлар бўлими ўтган йилнинг май ойида Жанубий Кореянинг Инчон шаҳридан машҳур пианиночи Кан Суен хонимни гастролга таклиф қилди. Кан Суен Ўзбекистон давлат консерваториясида ва Самарқанд опера театрида Шуман дастурлари асосида катта концерт берди. Шундан сўнг Ўзбекистон ва Жанубий Корея мусиқачилари ўртасида ҳамкорлик ришталари боғланди. Бундан бир йил олдин Ўзбекистон давлат консерваториясининг кўзга кўринган мусиқачи-педагоглари профессор Офелия Юсупова бошчилигида Сеул санъаткорларини классик ўзбек мусиқаси ва рақслари билан таништирган эди. Икки мамлакат мусиқачиларининг ҳамкорлиги натижасида ассамблея хотин-қизлар бўлимининг ташаббуси билан сеуллик мусиқа профессори Хан Мен Хи Ўзбекистон давлат консерваториясининг фахрий профессори унвонига сазовор бўлди.

Бельгия консерваториясининг профессори Эллина Пак билан Александра Ким ўртасидаги яқин муносабатлар ҳам яхши натижалар бера бошлади. Александра Ким ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Борис Пак Европарламент ноиби мистер Мишел Жост томонидан Европарламент қабулида бўлдилар. Бу учрашувда Александра Ким ноибга қадимий ўзбек маданияти ҳақида қатор маълумотлар берди ва Европарламент залларида ташкил этилган «Марказий Осиё халқларининг маданияти ва санъати» доимий кўргазмаси учун ўзбек усталари ва чеварларининг зардўзи дўпписи, чилими ва халқ амалий буюмларини эсдалик қилиб қолдирди.

Унинг ёрдамида Жанубий Кореянинг атоқли кинорежиссёри, продюссер ва оператор Кан жаноблари Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижоди, Ўзбекистон халқ артисти, марҳум раққоса Мукаррама Турғунбоева ҳақида хотиралар ҳамда машҳур «Лазги» ансамблининг янги мусиқий-хореографик дастурини суратга олди.

Фидойи аёлнинг икки халқ маданияти, адабиёти ва санъатини яқинлаштириш йўлидаги изланишлари таҳсинга сазовордир.

Миразиз АЪЗАМ



Мукофот — 5 миллион песо

Душанба куни Манила (Филиппин) қамоҳонасидан қочган маҳбус қаердалиги ҳақида кимки хабар берса, Манила маъмурияти унга 5 миллион песо (93 минг доллар) мукофот пули беришини ваъда қилди.

Reuters ахборотига кўра, бу қочоқ Фатур Раҳмон Ал-Ғози бўлиб, у «Жамоа Исломия» экстремистик ташкилоти жангариларидан биридир.

Полиция тахминича, унинг қочишиға қамоҳона соқчиси ёрдам берган.

Ал-Ғози билан бирга яна икки маҳбус ҳам қочган. Улар «Абу-Сайяф» экстремистик гуруҳи аъзоларидир.

Филиппин маъмурияти «Жамоа Исломия» ҳамда «Абу-Сайяф» ташкилотларининг «Ал-Қоида» билан алоқаси бор, дея гумон қилмоқда. Бундан ташқари 200 кишининг ҳаётига зомин бўлган Бали оролидаги портлаш учун масъулият «Жамоа Исломия» ташкилоти бўйнига юкланмоқда.

Шундай қилиб, Ал-Ғози билан бирга қочган Абул Муҳим Эдрис учун 2 миллион, Мерам Абант учун эса 1 миллион песо мукофот пули жорий қилинди, яъни кимки уларнинг қаердалиги ҳақида аниқ ахборот берса, шунча пулга эга бўлади.

Ал-Ғозига бундан 1 ҳафта олдин айблов эълон қилинган эди. У Манилада поездни портлатиб, 12 қишининг ҳаётдан кўз юмишига сабабчи бўлган.

Дарвоқе, маҳбуслар қамоқхонадан қочиб кетганлиги учун полициянинг таҳлилий бўлинма раҳбари Хесус Версоза ва яна икки зобит ишдан ҳайдалди.

Ҳозир қидирув ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Қочоқлар учун хавфли

Қочоқлар ишлари бўйича БМТнинг олий комиссари Рууд Лабберс Ироқ қочоқлари муаммоларига бағишлаб Женевада ўтказилган саммитда сўзга чиқиб, бу йил қочоқларнинг маълум бир қисминигина ватанига қайтариш мумкинлигини айтди. Негаки, қочоқлар қайтиши учун Ироқда хавфсизлик ҳали таъминлангани йўқ. Бундан ташқари, қочоқларнинг барчасини қабул қилишга мамлакат ҳали тайёр эмас.

• Associated Press агентлиги хабар беришича, Ироқ фуқароларига бошпана беришни хоҳламаган айрим Европа давлатлари илтимосига кўра саммит чақирилган.

Маълумотларга қараганда, Саддам Ҳусайн ҳукумати даврида тахминан 4 миллион киши Ироқдан бутунлай бош олиб чиқиб кетган. Шундан 262 мингга яқин киши асосан Европа ва бошқа ривожланган давлатлардан бошпана топган. 668 минги эса Ироққа қўшни мамлакатларда яшамоқда. Қолганлари дунёнинг турли бурчакларига тарқалиб кетган.

Ачинарлиси шуки, 450 минг қочоқнинг ҳеч қандай ҳужжати йўқ.



Чикаго шаҳри кўриниши

Қўшинлар қисқартирилмоқда

Сурия Ливан шимолидан ўз танклари ва енгил артиллерия қўшинларини олиб чиқиб кетишни бошлади. Триполи шаҳри жанубидаги ва Байрут атрофидаги Сурия контингенти Сурия чегараси томон силжимоқда.

1975-1990 йиллардаги фуқаролар урушига барҳам бериш ва мамлакатда тинчлик ўрнатиш мақсадида Суриянинг 15 минг кишилик контингенти Ливанга киритилган эди. Уруш тугагач, мамлакатнинг жанубий ҳудудларини босиб олган Исроил кучларига қарши курашда Ливан қўшинларига ёрдам бериш мақсадида Сурия контингенти яна қолдирилган эди, дейилади Ha'aretz газетаси ахборотида.

Кундузги реклама тақиқланди

«Новости» мухбири Киевдан хабар беришича, Украина парламенти кундузи телевидение орқали спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари реклама қилинишини тақиқлаш ҳақида қарор чиқарди. Шунингдек, дастур ва кўрсатувларга ҳомийлик қилиш, ҳали пули тўланмаган хорижий рекламаларни узатиш тақиқланди.

Бундан ташқари бирор-бир телекўрсатув пайтида кўрсатувни тўхтатиб реклама бериш ҳам чекланди ва унинг янги тартиб-қоидаси ишлаб чиқилди. Транспортдаги рекламалар ҳам бундан мустасно эмас.

Янги қоидага кўра, реклама матни ва тасвири ахлоқ-одоб, инсонпарварлик меъёрларига мос келиши шарт ва улар албатта украин тилида жаранглаши ёки баён этилиши лозим.

Обод маҳалла — мамлакат кўрки

МУҚАДДАС ТУШУНЧАЛАР

ОИЛА ВА МАҲАЛЛА — ЖАМИЯТНИ БИРЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Давр тақозоси билан ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу соҳаси жамият диққат марказида туради. Менимча, бугун миллатнинг шаклланишида оиланинг аҳамиятини англаб етиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Чунки, оила маҳалланинг таркибий қисми, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади. Оила аъзолари турмушнинг умумийлиги, ўзаро ёрдам ва ахлоқий масъулият ила бир-бирларига узвий боғланган бўлади. Ҳар қандай оиланинг хўжалик, ижтимоий-тарбиявий вазифалари мавжуд. Оила ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этиб, рўзғорини тебратади ва жамият ривожига ўз ҳиссасини қўшади. Акс ҳолда эса инқирозга юз тутади.

Тарбия оиланинг энг муҳим вазифасидир. У кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Бебаҳо қадриятларимиз — меҳмондўстлик, катталарга ҳурмат, ота-онага юксак эътибор, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат, ростгўйлик, ҳалоллик каби миллий фазилатлар аввало оила муҳитида шаклланади. Бу тарбиявий жараён боболар ўгити, оталар ибрати ва оналар меҳри орқали амалга ошади.

Ҳар қандай оила фарзанд кўришни орзу қилади. Фарзанд умр меваси, оиланинг қалби ва таянчи. Лекин ота-она болаларини дунёга келтирганликлари учун эмас, балки уни инсонийлик тамойилларига амал қилган ҳолда тарбиялаганликлари, камолга етказишга ҳаракатлари боис жамият юксалишига ўз ҳиссаларини қўшган бўладилар. Улар фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликларини унутмасликлари керак.

Фарзандлар парвози оиладан бошланади. Чунки, оиладаги соғлом муҳит баркамол авлод тарбиясининг муҳим манбаи ҳисобланади.

Шуни унутмаслигимиз керакки, оиланинг ижтимоий-маърифий савиясига кўп нарса боғлиқ. Ҳар хил йўллар билан топилган бойлигини кўз-кўз қилишга, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволи билан ҳисоблашмасдан дабдабали тўйлар қилаётганлар кўпайиб қолди кейинги вақтда. Улар мотам маросимини ҳам тўйга айлантириб юбормоқдалар. Кўпни кўрган кексалар, маҳалла фаоллари юқоридан кўрсатма кутмасдан беҳуда исрофгарчиликларни олдини олсалар бўлмайдими?

Оила тушунчаси маҳалла тушунчаси билан узвий боғланган. «Маҳалла» арабча сўз бўлиб, шаҳар ёки қишлоқнинг бир неча кўчасини ўз ичига олган бир бўлаги ва унинг аҳолиси деган маънони англатади. «Обод маҳалла» деганда нафақат чиройли ва кўркам, балки аҳиллик, одамларнинг бир-бирига меҳр-оқибати, соғлом муҳит ҳам назарда тутилади.

Маҳалла ўзини-ўзи бошқаришнинг миллий шакли. Маҳалланинг маънавий тарбияда, тартиб-интизом борасида аҳамияти беқиёс. Аслида ҳам маҳалла ҳар қандай масалани ечишга қодир. Чунки, маҳаллаларда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри мавжуд. Қариндош-уруғчилик, қуда-андачилик, яхши қўшничилик каби миллий фазилатлар маҳаллаларимизга хос. Шуларни инобатга олиб мамлакатимизда маҳаллалар жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида қонуний-ҳуқуқий асосларда ривожлантирилмоқда.

Ушбу йилда маҳаллаларга муносабат, эътибор кучайди. Мураббий-педагогларнинг фаолият кўрсатаётганликлари айни муддао бўлди. Масалан, ўзим яшайдиган Тошкент туманининг қатор маҳаллаларида ташвиқот-тарғибот ишлари ҳокимлик вакиллари, маҳалла фаоллари ва милиция ходимлари иштирокида ўтказилмоқда. Биргина мисол: Қизғалдоқ қишлоғидаги Алишер Навоий номидаги маҳалла тумандагина эмас, республика миқёсида ҳам намуналидир. «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ташаббуси билан ўтказилган республика кўрик-танловида ушбу маҳалла фахрли ўринни эгаллади. Оқсоқол Эркин Ғуломов маҳаллада маънавий ва маърифий тарбияга, тўй ва маросимларни ўтказишга бошқош.

Сўлим гўшаларимизнинг ободлиги халқнинг тинчлиги ва фаровон ҳаёти билан боғлиқ. Эл — бир жойнинг одамлари, юрт — халқ яшаб турган жой, деган маъноларни англатади. Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл, деган нақл бор. Ватан — киндик қонимиз тўкилган ер, бизни тарбиялаган табаррук жой. Ватан — ота-боболаримиз ҳоки-поклари ётган муқаддас тупроқ. Ватани бор кишининг бахти бор, уни ҳимоя қиладиган тоғдек таянчи — давлати бор. Ватанни севиш, уни ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилиш, кўз қорачиғидай асраш ҳар биримизнинг муқаддас фарзандлик бурчимиз ҳисобланади. Ҳақиқий инсон элим деб, юртим деб яшайди. Жонажон Ватанимизнинг озодлиги, унинг ободлигини ўзига катта бахт деб билади.

Маънавият ва маърифат соҳасидаги ишларимизнинг асосий мазмуни омма онгини шакллантиришдан иборат. Маҳаллаларнинг ободлиги, оилаларнинг бахти, эл тинчлиги бир-бири билан боғлиқ ва биргаликда Ватанимиз равнақига хизмат қилади. Юртбошимиз ибораси билан айтганда, халқимиз сиёсий-ижтимоий савиясини ошириш, фаоллигини таъминлаш биринчи даражадаги вазифа дир. Бу улкан вазифани бажаришга барча куч ва воситалар, ҳар биримиз сафарбар қилинишимиз лозим.

Убайдулла БОЗОРОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

НЕГА ҲАМ ФАХРЛАНМАЙ...

ЯХШИ КУНИМГА ШЕРИК, ОҒИР КУНИМДА ДАРДКАШ БЎЛСА

Умримнинг учдан бир қисми ўтган, яхши-ёмон кунларимда мададкор бўлган маҳаллам ҳақида сўзлар эканман, унинг (Оллоҳ ўз раҳматига олган) отахон оқсоқолларини ҳам ёдга олмай иложим йўқ. Маҳалламизнинг илк раисларидан бири — уруш ва меҳнат фахрийси Ҳикматхўжа ака Дониёрхўжаев ва Ғаппор ака Пирмуҳамедовлар эди. Уларнинг ҳам раис, ҳам оддий фуқаро сифатида маҳалла аҳли учун қилган хизматларини ҳеч қандай тарозида ўлчаб бўлмайди. Ғаппор ака илгари кўп йиллар ижтимоий таъминот идораларида ишлаб, бой тажриба орттирган инсон эди. Маҳаллада яшаётган пенсионерларнинг нафақаси ва кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларга ижтимоий кўмаклашиш каби масаларда ўз ёрдамини, маслаҳатини аямасди.

Мустақиллик йилларида маҳалла мавқеи ошириш ва унинг обрў-эътиборини кўтаришда катта-катта ишларга бел боғланди.

Икки отахон ишини кейин сайланган раисимиз Қўчқор ака Шоакрамов давом эттирди. Олим ва тарбиячи, катта бир оила отахони Қўчқор ака ҳам жон куйдириб меҳнат қилди, маҳалладошлари ҳурматини қозонди. Айниқса, маънавият, маърифат, ободончилик масалаларига алоҳида аҳамият берди. Новвойхона, сартарошхона, этикдўзлик сингари маиший хизмат шаҳобчалари иш бошлади.

Дарвоқе, «Обод маҳалла» деганда халқимиз нафақат кўркам ва чиройли манзилгоҳни, балки тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибатли ҳамда қут-барака бор бўлган масканни ҳам тушунади. 2001 йилда маҳалламиз раислиги лавозимига сайланган сўнгги оқсоқолимиз Фатхулла Нурмуҳамедов ҳам (марҳум) айнан шундай муҳит яратилиши йўлида чинакам жон куйдирган етакчилардан эди. Маҳалла оқсоқоллари ва фахрийлар кенгаши билан бамаслаҳат ишлаган у кишига Асадилла Нодирхонов (котиб), Жумабой Тошматов, Исмоил Турсунов, Сайдамин Солихўжаев, Шавкат Мирсоатов, Юсуф Эшонқулов каби фаоллар доим қўмакдош бўлишди. Бугунги кунда эса ана шу фаолларнинг ўзлари маҳалла аҳлига ҳам оқсоқол, ҳам мураббий...

Ўтган йили туманимизда ўтказилган кўрик-танловда энг яхши маҳаллалар сафига киришга эришган маҳалламиз аҳлининг аҳиллиги, ободлиги ва меҳр-оқибатлилигидан фахрланаман. Нега ҳам фахрланмай, ахир?! Фарзандларимиз тўйларига бош-қош бўлаётган, набираларимизнинг ахлоқ-одоби ва камолига масъуллик сезаётган, оғир-енгил кунлари елкадош бўлаётган ҳам шу маҳалла-да!

Ринат РАҲИМОВ,
Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла фуқароси, меҳнат фахрийси

Спорт

ЧЕМПИОНЛАР ИМТИҲОНСИЗ ТАЛАБА БЎЛИШДИ

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида ёш спортчилар ва уларнинг ота-оналари учун қувончли воқеа бўлиб ўтди. Мамлакат чемпионатлари, «Умид ниҳоллари—2003», «Баркамол авлод—2003» республика спорт ўйинлари, Осиё ва жаҳон биринчиликларида ғолиб чаққан йигит-қизларга олий ўқув юртларига тест синовларисиз ўқишга кирганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳномалар топширилди.

— Мен бугун жуда бахтиёрман, — дейди олотлик Худойберди Мустақов. — Кураш менинг жону дилим. Беш йилдан буён спортнинг шу тури билан шуғулланиб келаман. Кураш бўйича Ўзбекистон биринчилигида ғолиб чиқиб, Жисмоний тарбия институтига ўқишга имтиёзли қабул қилинадиган бўлдим. Ҳукуматимизнинг бу ғамхўрлигидан руҳланиб кетдим. Энди бу ерда етук мутахассис бўлиб етишиш билан бирга юртимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишга ҳаракат қиламан.

2003-2004 ўқув йилида республика олий ўқув юртларига жами 258 нафар йигит-қиз қўшимча имтиҳон ва тест синовларисиз ўқишга қабул қилинадиган бўлди. Улардан 123 нафари вилоятлардаги олий ўқув юртларида, 53 нафари Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида, 32 нафари эса Ички ишлар вазирлиги академиясида таҳсил оладилар.

Мана, спортнинг имконияти, имтиёзи, шарофати!

(Ўз мухбиримиз)

Болалар спорти

«ОБИ МАШҲАД»НИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқандда қадим маҳаллалар кўп. «Оби Машҳад» ана шундай маҳаллалардан бири. Бу маҳалла аҳли меҳнаткашлиги, ташаббускорлиги, ҳунарманду косиблари, полвонлари билан вилоятда машҳур.

Кураш бўйича спорт устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, оғир атлетика бўйича халқаро тоифадаги ҳакам Мамажон ака Аҳмедов айнан шу маҳаллада туғилиб ўсган. Умрини спортга бахшида этган бу инсон ҳозирда мазкур маҳалланинг оқсоқоли. Мамажон ака маҳалладошлари билан ҳамнафас, доимо «оби машҳад»ликларнинг тўю-маъракаларига бош-қош. У бўш вақти бўлди дегунча, маҳаллада ўзининг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган «Аҳмад полвон» спорт мажмуига ошиқади.

Сўнгги йилларда «оби машҳад»лик юзлаб болакайларнинг мунтазам спорт билан шуғулланишлари учун бу маскан анча торлик қилиб қолганди. Маҳалла оқсоқоли яна ташаббус кўрсатди. У ўзининг ҳовлисида фарзандлари учун спорт майдончасини барпо этганди. Кейинчалик у ҳовлидаги спорт майдончани кенгайтирди, янги спорт жиҳозларини сотиб олди.

— Аслида бизнинг сулоламизда бола туғилиб энди юра бошладими спортга жалб қилинган, — дейди биз билан суҳбатда маҳалла оқсоқоли Мамажон Аҳмедов. — Ёшим элликдан ошган бўлса, 42 йиллик умримни спортга бағишладим. Маҳалламизда ташландиқ бир жой бор эди. Бундан 6-7 йил муқаддам шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилиб, шу жойда спорт мажмуини бунёд этиш таклифи билан чиқдим. Улар рози бўлишгач, фарзандларим, маҳалла спортчи ёшлари билан мана шу кўркам спорт марказини ишга туширдик. Атрофига экилган 700 туп ниҳол ҳозирда қатта боғ бўлган. Бир неча йилдирки, атрофимиздаги маҳалла ёшлари клубимизда спорт билан бепул шуғулланиб келишмоқда.

Отамдан мерос қолган 10 сотихлик ҳовлининг 6-7 сотихида мини футбол майдони, машғулотлар хонаси, бассейн ва бошқа спорт турлари билан шуғулланиш учун шароит яратилган.

— Ота-боболарингиз полвон ўтган дейишади...

— Бобом Ҳамроқул полвон, отам Аҳмад полвон машҳур курашчилардан бўлган. Укаларим Ҳасан, Ҳусанлар оғир атлетика бўйича спорт устаси. Ўғилларим Худоёр, Шерзод, Бекзоджонлар юнон-рум кураши бўйича спорт усталари, ўғлим Худоёр Аҳмедов Самарқанд шаҳар спорт қўмитасининг раиси, кенжа ўғлим Бекзоджон шу йил август ойида юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун Туркияга боради. Сулоламизда бир одат сақланиб қолган. Фарзандларим, укаларим қайси касбда ишламасин, спорт билан мунтазам шуғулланишади.

Маҳалла, қўни-қўшниларнинг болалари вақт топди дегунча ҳовлимизга келишади. Мени завқлантирадиган нарса шу. Чунки келажак фарзандларимиз қўлида. Орзуим — эртанги кунимиз ворислари бўлган ёшлар албатта, спортнинг ҳеч бўлмаганда бир тури билан шуғулланса. Чунки спортга ошно бўлган одамдан ёмонлик чиқмайди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳикматли сўзлар маъноси

Ёт ёқадан олганда — ит этакдан олади

«Ёт, яъни душманинг, рақибинг сенга ҳужум қилганда ёхуд сенга бўлмағур туҳматлар қилиб, адабингни бердирмоқчи бўлиб турганда, ўз яқинларингдан, ишонган одамларингдан, қалбаки дўстларингдан бири ошкора ё пинҳоний равишда сени унга «сотади», сирингдан, ожиз томонингдан уни воқиф қилади, қисқаси, унга бўлишиб, кўмаклашиб, сенга «холис хизмат» қилади. Шу боисдан, дўстлашадиган, сирдош бўладиган одамингни обдон сина, унинг кимлиги ва қандайлигини тагтуги билан билиб ол ва шунга қараб иш кўр», дейилмоқчи. «Ёт синалгач, ётсиралмас» деган мақол ҳам шу кейинги фикрни билдиради.

Ёт товуқни катакка қамама — катагингни бузади

Ёт товуқ ҳадеганда катакка ўрганолмайди, типирчилаб, ўзини у ёққа-бу ёққа уриб, катакни бузиб чиқиб кетишга ҳаракат қилади, катакдаги бошқа товуқларнинг ҳам тинчлигини бузади. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан: «Синашта бўлмаган бегона одамни доим ё узоқ вақт яшаш учун уйингга қўя кўрма — оилангни бузади», деган маънода қўллайдилар.

«Тафаккур» журнали жамоаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, шоир Сирожиддин Саййидга укаси **Нормамат САИДОВнинг** бевақт вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Саломатлик жонкуярлари

БАХТ УЛАШИШ БАХТИ

— Хайрулла ака тиними йўқ зўр дўхтирлардан, — дейди шифохонада даволанаётган суҳбатдошларимиздан бири, жиззахлик Шерзоджон Мирабдуллоров. — Қачон қараманг: ё операцияда, ё вилоятларда хизмат сафарида... Ўтган куни бир йўла уч операцияда бўлди. Кеча санавиация билан ўз жойида қилиниши керак бўлган шошилинч бир операция учун Сирдарёга учиб кетувди. Бугун эса яна кетма-кет икки операция... Аллоҳ қувват берсин у кишига.

— Ўнг буйрак ўсмаси хасталиги билан келувдим, — шеригини қувватлаган бўлиб гапга қўшилди унинг палатадоши, фарғоналик нафақахўр Салимжон Набиев. — Яхши мутахассис экан, мана, операциядан кейин «от»дек бўлиб кетдим...

Самарқандлик Владимир Личковаханинг ҳам сўзлари шундай илиқ ва самимий кечди.

Дарвоқе, Хайрулла Ҳафизов тажрибали, моҳир шифокорлардан. Салкам 30 йилдирки, у Тошкентдаги Республика онкология илмий марказида самарали ишлаб келади. Бу давр мобайнида унинг қўлида дардига даво топган хасталарнинг манзилгоҳлари нафақат мамлакатимиз ҳудудлари, балки Марказий Осиё минтақасининг узоқ-яқин шаҳар, қишлоқ ва овуллари ҳисобига ҳам кенгайди. Юзлаб операциялар, муолажалар, тиббий йўл-йўриқлар, тавсиялар, маслаҳатлар... шифокорнинг кундалик иши, юмуши ва ташвишига айланди. У бошлиқ 35 ўринли урология бўлимида 7 нафар шифокор, 14 нафар ҳамшира ишлайди. Улар орасида фан номзодлари ва номзодлик ишини ҳимоя қилишга тайёргарлик кўраётган моҳир тиббиётчи илмий ходимлар бор. Ўзи ҳам тиббиёт фанлари номзоди.

— Соғлик, бу — туман бойлик, бахт, — дейди Хайрулла Азизович. — Ҳаётда хасталанган кишиларга шу бойлик, шу бахтни улашишдек савобли ишни бажараётганимдан хурсандман.

Умиджон САТТОРОВ



Суратда: Хайрулла Ҳафизов (ўртада) бошлиқ бўлимнинг аҳил ва жонкуяр шифокорларидан бир гуруҳи.
Шавкат АКРАМОВ олган сурат

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatchi Ravshan SHODIYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 602
8283 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 24.00
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA